

Даврий матбуот нашрларига обуна расмийлаштириш ва тарқатиш  
ШАРТНОМАСИ № 133/8

Андижон шаҳри

“ 19 ” 01 2022 йил

**Шартнома тузувчи томонлар**

Устав асосида фаолият юритувчи «Андижон матбуот тарқатувчи» МЧЖ бундан буён «Обуна қилувчи» деб юритилувчи номидан жамият директори **М.К. Раҳимов** бир томондан, ва **Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси** бундан буён «Обуначи» деб аталувчи номидан **бошқарма бошлиғи А.З. Мирқамилов** иккинчи томондан қуйидаги мазмунда ушбу шартномани тузадилар.

**1. Шартнома предмети**

**1.1** «Обуна қилувчи» ушбу шартномага асосан **2022 йил обуна** нашрларини «Обуначи»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги нашрларни **2022 йил давр ичида** етказиб беради. «Обуначи» етказиб берилган нашрларни қабул қилиб олиб, тўлов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштиради. «Обуначи» тўлов ҳужжатларига асосан белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ҳисоб рақамидан тўловларни амалга оширади.

**2.1.** Мазкур шартноманинг қўшимча қиймат солиғи (15%) билан суммаси **94 321 600,00 (тўқсон тўрт миллион уч юз йигирма бир минг олти юз)** сўм 00 тийинни ташкил этади.

Етказиб бериладиган нашрларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори ва нархи қуйидагича:

№	Нашр номи	Миқдор	муддати	1 ой нархи (сўм, тийин)	Суммаси (сўм, тийин)	ҚҚС 15% (сўм, тийин)	ҚҚС билан суммаси (с.т.)
1.	Халқ таълими	706	4 сон	29 043,48	82 018 782,61	12 302 817,39	94 321 600,00
	<b>Жами:</b>				<b>82 018 782,61</b>	<b>12 302 817,39</b>	<b>94 321 600,00</b>

**2.2** «Обуначи» етказиб бериладиган нашрлар учун ҳисоб-китобни шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни ичида 100% миқдоридаги суммани «Обуна қилувчи»га тўла ўтказиб беради.

**2.3.** «Обуначи»га нашрлар «Обуна қилувчи»нинг ходимлари орқали Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг вилоятда жойлашган шаҳар ва туман бўлимлари манзилларига етказиб беради.

**2.4.** «Обуна қилувчи» тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда нашрларни етказиб беради.

**2.5.** «Обуна қилувчи» томонидан «Обуначи»га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортиқ суммада нашрларни етказиб берилган ҳолатларда, шартнома умумий суммасидан ортиқ қисми учун ҳақ тўламайди, томонларнинг ўзаро ёзма қўшимча келишувига асосан етказиб берилган ҳолатлар бундан мустасно.

**3. Шартномани бажарилиши**

**3.1.** Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган ҳисобланади.

**3.2.** «Обуначи» илгари берилган талабнома (буюртма)ни бекор қилишга ёки нашрларнинг тегишли туркумланини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Обуна қилувчи» ни талабномада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 (бир) ой олдин хабардор қилади.

**3.3.** «Обуначи» муддатлар бузилган ҳолларда етказиб берилган нашрларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

**3.4.** «Обуначи» «Обуна қилувчи» томонидан нашрларни ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз, муддати ўтган нашрларни етказиб берилган ҳолатларда шартномани «Обуна қилувчи»ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиш мумкин. Қолган



ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро қўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.

#### 4. Томонларнинг мажбуриятлари «Обуна қилувчи» нинг мажбуриятлари

4.1. «Обуна қилувчи» етказиб бериладиган нашрларнинг сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ бўлишини ҳамда тегишли сертификати ёки таҳлил баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди.

4.2. Нашрларни қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни «Обуначи» талабига мувофиқ 3 кун муддатда бартараф этади.

#### «Обуначи» нинг мажбуриятлари

4.3. Шартнома бўйича етказиб берилган нашрларини мазкур шартномадаги нашрлар рўйхатига мувофиқ қабул қилиш.

#### 5. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик

5.1. Нашрларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, «Обуна қилувчи» «Обуначи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 15% идан ошиб кетмаслиги лозим. Пеня тўлаш «Обуна қилувчи» ни нашрларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган нашрлар хақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Обуна қилувчи» га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизли миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 20%идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

#### 6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Келишмовчилик ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра мустақил равишда уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир.

#### 7. Форс-мажор

7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

#### 8. Шартномани амал қилиш муддати

8.1. Шартнома икки томонлама тасдиқланиб рўйхатга олингандан сўнг кучга кириб 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амалда бўлади. Нашрларни етказиб бериш муддати 2022 йил 31 декабрь кунига қадар.

8.2. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб, бир хил ҳуқуқий кучга эга.

#### 9. Томонларнинг манзиллари ва реквизитлари

«Обуна қилувчи»

«Обуначи»

«Андижон матбуот таркатувчи» МЧЖ

Андижон ш., Бобур шоҳқўчаси, 108-уй.  
Х.р.: 2020 8000 8002 1416 3010  
МФО 00401 АТ "Алоқабанк" Бош офис  
СТИР 200 240 091 ОКЭД 47620  
Тел.: (74) 223-82-12, (95) 202-82-12

Директор

М. Раҳимов

М.ў.

